

№2
(1488)
2024-YIL
31-YANVAR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



1
t.me/uzbekistondasog'liqni-saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

2024 йил – Ёшлар ва бизнесни
қўллаб-қувватлаш йили



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган
ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолига
кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини
тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари
фаолиятини илгор хорижий тажриба асосида
ташkil этиш, тиббиёт кадрларининг салоҳиятини
ошириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари
фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:*

Етакчи хорижий эксперт ва кон-
сультантлар иштирокида кадрлар
салоҳиятини ошириш, тиббиётнинг
бирламчи бўғини, ҳудудлар ва
Республика даражасида тиббий хиз-

матлар кўрсатишни янги тамойиллар
асосида ташкил этиш ва унинг
сифатини халқаро стандартлар дара-
жасига олиб чиқиш, соҳада самара-
дорлик ва шаффофликни таъминлаш

бўйича 40 та амалий ҳаракатни ўз
ичига олган мамлакатимиз соғлиқни
сақлаш тизимини ривожлантириш
юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган-
лиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ушбу таклифларни амалга оши-
риш, тиббий хизмат сифатини янада
яхшилаш ва соҳада ислохотларни жа-
даллаштириш мақсадида Соғлиқни
сақлаш вазирлиги тузилмасида дав-
лат муассасаси шаклида "Соғлиқни
сақлаш лойиҳалари маркази" лойиҳа
офиси (кейинги ўринларда – Лойиҳа
офиси) ташкил этилсин.

Давоми 2 – бетда▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*Республикада сўнгги йилларда дори воситалари,
тиббий буюмлар ва тиббий техника муомаласини
такомиллаштириш бўйича комплекс чора-
тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга,
фармацевтика соҳасини ислох қилиш, фармацевтика
маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, уларни
давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш
ва дорихоналар фаолиятини тартибга солиш
талаб этилмоқда. Аҳолини сифати, хавфсизлиги
ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари,
тиббий буюмлар ва тиббий техника билан
таъминлашни янада яхшилаш ҳамда фармацевтика
маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш
жараёнларини такомиллаштириш мақсадида:*

Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳо-
лини сифатли ва хавфсиз фарма-
цевтика маҳсулотлари билан таъ-
минлаш ҳамда дори воситалари ва
тиббий буюмларнинг муомаласини

тартибга солишга жавобгар давлат
органи этиб белгилансин.

Белгилансинки, 2024 йил
1 июлдан бошлаб:

а) дори воситалари ва тиббий
буюмларни тайёрловчи, улгуржи
ҳамда чакана реализация қилувчи
ташкilotлар аҳолини сифати, хавф-
сизлиги ва самарадорлиги кафолат-
ланган дори воситалари ва тиббий
буюмлар билан таъминлаш учун
масъул бўлган ташкilot сифати-
да эътироф этилади ҳамда уларга
нисбатан давлат назоратини амалга
оширишнинг алоҳида қоидалари
белгиланади;

б) дори воситаларидан фойда-
ланиш билан боғлиқ потенциал
хавф- хатарларни тезкор аниқлаш
ва уларга жавоб беришга қаратил-
ган, халқаро стандартлар талаблари
асосида қуйидагиларни назарда ту-
тувчи фармакологик назорат тизими
ташкilot этилади:

Давоми 3 – бетда▶

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ



Республика ихтисослаштирилган педиатрия
илмий-амалий тиббиёт марказида россиялик жар-
роҳлар билан биргаликда навбатдаги ноёб опера-
ция ўтказилди. Икки соат давом этган амалиёт на-
тижасида 8 ойлик бемор ичкаларининг зарарланган
қисми лапароскопик усулда олиб ташланди.

Шу тариқа қўллаб туғма нуқсонлар ҳамда ўт
йўли ва йўғон ичка патологиялари аниқланган
ғўдақдаги оғир хасталиклар бир вақтнинг ўзида
каминвазив усулда бартараф этилди.

ЎЗБЕКISTONДАГИ ЎРТАЧА МАОШЛАР МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ



2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистондаги ўр-
тача ойлик номинал иш ҳақи 4 млн 551 минг сўмни
ташкilot этди. Энг кўп ойлик олувчилар – молия ва
суғурта соҳаси ходимлари бўлиб, улар ўртача 13,3
млн сўм ойлик оляпти. Тиббиёт ва таълимдаги ой-
ликлар энг паст даражада қолмоқда.

ГЕПАТИТ С ГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ



Миср ҳукумати томонидан гепатит С га қарши
"Sofosbuvir-400mg" дори воситасининг навбатдаги
партияси етказиб берилди.

Жами 6720 донадан иборат ушбу препаратлар
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Вирусоло-
гия илмий-текшириш институти томонидан шифо-
талаб беморларга тақсимланади.

Эслатиб ўтамай, Миср ҳукумати томонидан
2025 йилга қадар умумий қиймати 4,2 миллион
доллар бўлган жами 800 минг дона "Даклагасвир",
"Софосбувир" ва "Энтекавир" дори воситалари
тақдим этилиши бўйича келишувга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 – бетда▶

Лойиха офиси қуйидаги устувор йўналишларда янги механизмларни жорий қилишга масъул этиб белгилансин:

давлат тиббий суғуртаси тизими ва давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш;

кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим тизими ва илм-фан соҳасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббиёт ходимларини уларнинг меҳнати натижаларидан келиб чиқиб муносиб рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш ва соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, тиббиёт муассасаларининг аккредитация қилинишини таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жавобгарлигини ошириш;

тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини такомиллаштириш;

инфаркт, инсульт, шикастланиш ва жароҳатли амалиётларидан сўнг ҳамда суяк-мушак тизими касалликлари мавжуд бўлган беморларни тиббий реабилитация қилиш тизимини йўлга қўйиш;

"Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини амалга оширишга қўмаклашиш;

давлат харидлари самараси ва шаффофлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш;

санитария қоида ва нормаларини замонавий талаблар асосида янгилаш.

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Лойиха офиси директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларига Лойиха офиси директори лавозимида ўриндошлик асосида ишлаш ҳуқуқи берилди;

Лойиха офиси директори соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари учун белгиланган ваколатлар берилди;

Лойиха офиси штат бирликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотларининг амалдаги штатлари доирасида шакллантирилади;

Лойиха офиси ҳар ойда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таркибий тузилмалари Лойиха офиси томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлайди, бунинг учун зарур бўлган куч ва воситаларни сафарбар қилади, шунингдек, ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Лойиха офисига ҳисобот киритиб боради;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш соҳасидаги масалаларни тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Лойиха офиси билан келишилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Лойиха офиси фаолиятини мувофиқлаштириб, унинг самарали фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин.

Лойиха офиси:

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари, нодавлат тиббиёт ташкилотлари, тиббиёт олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассисларини шартнома асосида Лойиха офиси фаолиятига жалб қилсин;

уч ой муддатда юқори нуфузга эга хорижий тиббиёт олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда тиббиёт олийгоҳини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Лойиха офиси директори хорижий мутахассислар, эксперт, консультант ва маслаҳатчиларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб этиш, ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан маблағларни уларнинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг таркибий тузилмалари мутахассисларини ислохотларни амалга ошириш жараёнларига жалб қилиш, улар иштирокида эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳларни тузиш ҳуқуқи берилсин.

Лойиха офисини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

2024 йилда – Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, шунингдек, вазирликнинг бюджетдан ташқари

маблағлари ҳисобидан 20 млрд сўм ҳамда 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар;

Лойиха офисининг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги ҳисобидан ажратилган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинган кредит ҳамда грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бир ой муддатда Лойиха офисининг низомини, шунингдек, унинг тузилмаси, штат бирликлари сони, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш микдорлари ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини тасдиқласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2024 йилда:

Жаҳон савдо ташкилоти талаблари, тиббиёт муассасаларини лойиҳалаш, қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш бўйича етакчи хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда амалдаги 40 та санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари тўлиқ қайта кўриб чиқилишини ва халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини;

Республика ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, эндокринология, дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказлари, Болалар миллий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт марказининг фаолиятига замонавий бошқарув усуллари ва тиббий ёрдам хавфсизлиги ва сифатининг юқори стандартларини жорий этсин ҳамда уларни халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминласин.

Бунда, 2025 йилда барча Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари халқаро аккредитациядан ўтказилиши назарда тутилсин;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб: ҳудудларда тор ихтисосликдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, тиббиёт олий таълим муассасаларининг 200 нафар битирувчисини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан магистратура ва клиник ординатура дастурлари асосида етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва марказларида ўқитсин;

тиббиёт олий таълим муассасала-

рининг битирувчи курс талабаларида оилавий шифокор учун талаб этиладиган клиник кўникмаларни шакллантириш мақсадида кўп тармоқли тиббиёт ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган интернатура ташкил этилишини таъминласин;

Тошкент тиббиёт академиясининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказсин;

в) республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 1 нафардан салоҳиятли ходимларини асосий ишидан ажралган ҳолда Лойиха офиси эксперти сифатида фаолият олиб бориш учун юборилишини таъминласин.

Бунда, экспертлар номзоди Лойиха офиси билан келишилган ҳолда аниқланади ҳамда уларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари тегишли тиббиёт муассасалари томонидан қопланади.

Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг билимлари икки босқичли баҳолаш тизими асосида баҳоланади. Бунда, талабалар ўқиш давомийлигидан келиб чиқиб тегишинча иккинчи ёки учинчи курс якуни бўйича, биринчи босқичда, фундаментал фанлар бўйича (анатомия, гистология, физиология, микробиология, иммунология, биокимё, фармакология, жамоат саломатлиги ва бошқалар), иккинчи босқичда, клиник ва амалий кўникмаларни баҳолашга қаратилган давлат имтиҳонларини топширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда "Жамоат саломатлигини ташкил этиш ва бошқариш" (Public Health and Healthcare Management), "Жамоат саломатлиги: эпидемиология ва маълумотлар таҳлили" (Public Health: Epidemiology and data science/data analytics), "Жамоат саломатлиги: овқатланиш" (Public Health: Nutrition), "Профилактик тиббиёт" (Preventive Medicine), "Жисмоний фаоллик ва реабилитация" (Physical Activity and Rehabilitation) магистрлик йўналишларини жорий этиш ҳамда ушбу мутахассисликлар бўйича ҳар йили камида 150 нафар мутахассисларни давлат буюртмаси асосида тайёрлаш чораларини кўрсин.

Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А. А. Худаяров белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

2024 йил 22 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 – бетда▶

"Зарур фармакологик назорат амалиёти - GVP" стандартини жорий этиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигида тиббиёт тизимининг барча бўғинларидан дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ҳамда таҳлил қилиш имконини берувчи электрон ахборот тизимини яратиш;

в) дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўллашга руҳсат этишда уларнинг хавфсизлигини назорат қилиш тизими жорий этилади. Бунда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармакологик назорат таҳлили натижалари асосида инсон саломатлигига зарар етказиш хавфи юқори бўлган моддалар рўйхати шакллантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги "Зарур амалиётлар маркази" давлат унитар корхонасини давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрловчи, улгуржи ҳамда чакана реализация қилувчи ташкилотларда уларга берилган лицензия талабларига риоя этилишини бир йилда кўпи билан бир мартаба ваколатли органни хабардор этиш орқали назорат қилиш тартиби жорий этилади (жисмоний ва юридик шахсларнинг мувофиқлигига асосан амалга ошириладиган назорат-тадбирлари бундан мустасно);

дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни телерадиоканаллар орқали реклама қилиш учун ишлаб чиқилган контент Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган хулоса асосида эфирга узатилади;

янги ташкил этиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар сақланади-

ган божхона омборлари ва эркин омборлар мажбурий равишда "Зарур сақлаш амалиёти - GSP" талабларига мувофиқ ташкил этилади;

б) 2026 йил 1 январдан бошлаб "Зарур сақлаш амалиёти - GSP" талабларига мувофиқлик бўйича сертификатга эга бўлмаган божхона омборлари ва эркин омборларда дори воситаларини сақлаш тақиқланади;

в) фармацевтика фаолиятини лицензиялаш жараёнлари Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлиги бўйича ўтказиладиган фармацевтик инспекциялар билан мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда:

дори воситаларининг фармакологик назорати халқаро талаблар асосида ташкил этилишини ва фармакологик назорат фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

"Зарур фармакологик назорат амалиёти - GVP" стандартини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжат-

ларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири вазирасини бажарувчи А.А. Худаяров белгилансин.

Фармоннинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри
2024 йил 23 январь

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ

ТАШРИФ ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ?

Аввал хабар берганимиздек, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Ф. Ташпўлатов бошчилигидаги соҳа масъулларидан иборат делегация хизмат сафари билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.



сусий шериклик ва грант лойиҳалари музокаралар диққат марказида бўлди. Хусусан, "Henan Costar Group Co. Ltd." компанияси раҳбарияти билан мулоқот якунида мамлакатимиз тез тиббий ёрдам хизмати учун замонавий автомобилларни етказиб бериш ҳамда махсус автомобилларни модификация қилиш бўйича завод фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қиймати 150 миллион АҚШ доллари бўлган келишув имзоланди.

"China CAMC Engineering Co., Ltd." компанияси билан имзоланган ўзаро англашув меморандумига асосан эса ҳудудларда оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари қурилади. Яна бир муҳим грант келишуви Хитойнинг диагностика соҳасидаги етакчиларидан бўлган "Snibe Diagnostic" компанияси билан имзоланди. Унга кўра, мазкур компаниянинг анализаторлари ҳамда сарфлов материалларининг юртимизда ишлаб чиқа-



рилишини йўлга қўйиш режалаштирилган. Шунингдек, келишувга мувофиқ "Snibe Diagnostic" қиймати 5 миллион АҚШ доллари бўлган 50 донга замонавий диагностика-лаборатория ускуналарини грант асосида мамлакатимизга тақдим этади ҳамда яна 5 миллион АҚШ доллари ҳисобига сер-

вис-марказлар ва ўқув дастурларини йўлга қўяди.

Эътиборлиси, келишувларнинг биринчи босқичи бегараз грантлар асосида тиббий жиҳозлар ёки бошқа турдаги махсулот ва хизматлар билан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

@ssvuz

Ташриф давомида вакилларимиз 25 январь куни Шэньчжэнь шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Хитой қўшма инвестиция форумида иштирок этди. Тадбир доирасида делегация аъзолари Хитойнинг етакчи компания ва ташкилотлари вакиллари билан G2B

форматида бир қанча учрашувлар ўтказди.

Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий асбоб-ускуналарни модернизация қилиш, тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича инвестиция, давлат-ху-

ТАЛАБАЛАРИНИНГ IV ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бухоро давлат тиббиёт институтида ўтказилган навбатдаги талабалар олимпиадаси "Абу Али ибн Сино таълимотдан Учинчи Ренессансгача" деб номланди. Унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь ва мамлакатимиздаги давлат ҳамда нодавлат тиббиёт олий ўқув юртларидан 200 дан ортиқ талаба анъанавий тарзда иштирок этди.

Якуний натижаларга кўра, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Асфандиёров номидаги Қозоғистон Миллий тиббиёт университети жамоаси 1-ўрин, Воронеж давлат тиббиёт университети ва Тошкент тиббиёт академияси

жамоаси 2-ўрин, Тожикистон тиббиёт университети, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Қуролли Кучлар ҳарбий тиббиёт академияси талабалари эса фахрли учинчи ўрин соҳибига айланди.

@ssvuz |



ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ

Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида муҳим ўзгаришлар бўлиб, инсон саломатлигига бўлган эътибор ва гамхўрлик туфайли соҳадаги мақсадли зоялар ўз ифодасини топмоқда десак, хато бўлмайди. Албатта, бу каби эзгуликларга йўналтирилган вазифалар замирида инсон саломатлиги муҳим эканлигини чин дилдан ҳис этган Давлатимиз раҳбари бу борада халқимиз саломатлиги учун кенг имкониятлар яратиш бераётганликларини ҳар биримиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Хўш, шу ўринда ҳақли савол туғилади? Тиббий сугурта ўзи нима? Инсон саломатлиги учун қандай ўрин тутади? Ўтган давр мобайнида республикаимизда қарор ижросини таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Халқнинг бу тизим бўйича хабардорлиги қандай? Ушбу саволларга жавоб бериш учун Давлат тиббий сугурта жамғарма Тошкент шаҳар бўлинмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Баҳром Мўминовга мурожаат қилдик.



Таъкидлашим муҳимки, суҳбатимиз аввалида давлат тиббий сугурта тўғрисида маълумот бериб ўтишни лозим деб ўйлайман. Маълумки, дуёнда тиббий сугуртанинг бир неча тури мавжуд, **ихтиёрий сугурта, мажбурий сугурта, давлат тиббий сугуртаси.** Айтишим лозимки, Ўзбекистонда ихтиёрий сугурта илгаридан мавжуд бўлиб келган, яъни хоҳлаган одам ўзини ва оила аъзоларини соғлигини сугурталаш имкониятига эга эди. Мамлакатимизда 2021 йил 1 июлдан давлат тиббий сугурта тизимини жорий этиш бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра 2021 йил 1 июлдан Сирдарё вилоятида тажриба-синов тарихида давлат тиббий сугуртасини жорий қилиш бошланди. Бундан асосий мақсад, тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш механизмларини оптималлаштириш ва тиббий сугурта механизмларини тадбиқ этиш орқали юқори сифат кўрсаткичига эришишдан иборат бўлди.

Молиялаштириш тизимидаги ўзгаришлар, бу бирламчи тиббий-санитария ёрдам (оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман марказий поликлиникалари) – ўзига бириктирилган аҳолини жон бошига молиялаштириш ва шифохоналарда даволанган ҳолат услубидан иборатдир.

Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ижрочи директорининг 2022 йил 31 августдаги 31-сон буйруғига асосан, Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлинмаси ташкил қилинди. Бўлинма керакли жиҳозлар, мебель ва компьютер техникалари билан таъминланди, локал тармоқ ўтказилди, интернет тизимига уланди ҳамда таъмир талаб хизмат хоналари жорий таъмирдан чиқарилди. Жамғармага ишга кириш учун мурожаат қилган номзодлар рўйхати шакллантирилди ҳамда штат бирликларини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида номзодлар хужжатлари Давлат тиббий сугуртаси жамғармасига киритилди. Ҳисобот даврида 14 нафар ходим ишга қабул қилинди. Бўлинмада иш юритиш фаолияти, жумладан кириш-чиқиш хужжатларини рўйхатга олиш, ижрога қаратиш, назоратини

олиб бориш, Тошкент шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан Жамғарма раҳбарияти ва бўлинма номидан ёзишмалар йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга тайёргарлик бўйича 2023 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Биринчидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида:

а) Оилавий шифокор, амалиётчи ва патронаж ҳамшира ҳамда доядан иборат тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, қайта тайёрланди. Шунингдек, шифокор олди кўриги хоналари ташкил қилинди ҳамда кўп ихтисосли жамоанинг негизи бўлган тиббий бригадаларга аҳолининг ишончи ошиши, бунинг натижасида мурожаатлар сони кўпайишига эришилди. Бугунги кунда 1441 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, тиббиёт ходимлари билан тўлиқ бўлган тиббиёт бригадалари сони 750 тани ёки жами тиббиёт бригадаларининг 50.6 фоизини ташкил қилмоқда. Тиббиёт бригадаларининг 583 таси учун (38,7 фоиз) шифокор олди кўрик хоналари ташкил қилинди. Оилавий шифокорнинг мавқеи оширилиб, унинг

30 фоиз иш юкласи амалиётчи ҳамширага ўтказилиши ҳисобига, оилавий шифокор томонидан ҳар бир бемор кўриги учун ажратадиган вақти 10-15 дақиқачага узайди. Натижада, оилавий поликлиникаларга бўлган қатновлар 2023 йил ўтган йилга нисбатан 17.9 фоиз (3 235210 нафар)га кўпайди, шу жумладан, амалиёт ҳамширасига 210 фоиз (3020316 нафар)га, патронаж ҳамширасига қатновлар сони 24.6 фоиз (798569 нафар)га ошди, ҳамда аҳолини оилавий шифокорларга бириктирилиши натижасида оилавий шифокорга қатновлар 0,5 фоизга ошди. Тошкент шаҳри аҳолиси орасида касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олиш юзасидан, 40 ва ундан катта ёшдаги аҳолини манзилли скрининг текширувларида ўтган йил жами 734686 нафар аҳоли қамраб олинган, уларнинг 70,8 фоизи (520797 нафар) амалий соғломлиги, 8,7 фоизи (64554 нафари)да ортқича вазн, 10,2 фоизи (75027 нафари)да юқори қон босими, 2,3 фоизи (17297 нафари)да қонда қанд микдори юқори, 2,1 фоизи (15590 нафари)да қонда холестерин микдори юқори бўлган хавф омиллари мавжудлиги аниқланди. Ўтган йил давомида кўп тармоқли марказий поликлиника ва оилавий поликлиникаларда кундузги шифохоналарда ўринлар сони ўтган йилга 896 тадан 1077 тага (20,2 фоизга) оширилиши (жами 181 та янги ўрин) ҳисобига уларда даволанганлар сони ўтган йилга нисбатан 29.5 фоизга (36798 нафардан 47661 нафаргача) кўпайди.

б) Поликлиникаларга мурожаат қилаётган аҳолини электрон дастур орқали оилавий шифокорларга бириктирилиши ҳамда уларнинг саломатлиги тўғрисидаги электрон маълумотлар яратилиши шаҳарнинг барча оилавий поликлиникаларида йўлга қўйилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳар аҳолисининг 97,9 фоизи (2979671 нафар) оилавий шифокорларга бириктирилган.

в) Беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши фақат оилавий шифокор йўлланмаси асосида босқичма-босқич жорий қилиниши, беморларни тор соҳа мутахассисларига стандарт ва протоколларга таянган ҳолда асосланган йўлланмалар берилиши натижасида ўтган йилга нисбатан 2023 йил 12 ойда беморларнинг оилавий шифокор йўлланмаси орқали кўп тармоқли марказий поликлиника тор мутахассисларига юборилиши 13,4 фоиз (52802та)га ошган, шифохоналарга йўлланма билан йўнал-

тириш 14,1 фоиз (3981та)га ошган. Поликлиникаларда тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлар рўйхатига асосан оилавий поликлиника ва МКТПларда диагностик ва лаборатор текширувлар олиб борилмоқда. Жумладан, оилавий поликлиникаларда 22 турдаги диагностик текширувлардан 18 турдаги (82%) текширувлар ўтказилиши йўлга қўйилган, лаборатор текширувлардан 14 турдаги текширувлар олиб борилмоқда. Оилавий поликлиникаларда клиник лаборатор текширувлар 2023 йил ўн икки ойда ўтган йилга нисбатан 3,5 фоиз (272374та)га кўпайди, биохимиявий лаборатор текширувлар 7,5 фоиз (136872 та)га ошган. МКТПларда кафолатланган ҳажм рўйхатига киритилган диагностик текширувларнинг 85 фоиз йўлга қўйилган. Поликлиникаларда инструментал текширувлар 2023 йил ўн икки ойда ўтган йилга нисбатан 13,5 фоиз (78952та)га кўпайди. Кўп тармоқли поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари томонидан беморларни стандарт асосида текширувлардан ўтказилиши натижасида, МКТПларда биохимиявий лаборатор текширувлар ўтган 2022 йилда 2342936 та ўтказилган бўлса, 2023 йил 2366881 та ўтказилган, яъни 23945 та (1,1%)га камайган. Бундан ташқари, Юнусобод туманида тажриба синов тарихида сурункали касалликларга (юррак ишемик касаллиги, юқори қон босими, қандли диабет II тури, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги) чалинган беморларни шифокор томонидан ёзиладиган электрон рецепт асосида дорихона томонидан бериладиган 11 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш “Реимбурсация” дастурини жорий этишга тайёргарлик ишлари амалга оширилди: сурункали касалликлар билан диспансер назоратида турган беморлар рўйхати шакллантирилди, дастурда иштирок этиш истагини билдирган дорихоналар билан шартномалар тузилди. Шу кунгача 267, 8 миллион сўм ажратилган бўлиб шундан 63,5 миллион сўмлик дори воситалари беморларга электрон рецепт орқали берилган.

Иккинчидан тиббий сугурта механизмларини шифохоналарда жорий қилиниши бўйича амалга оширилган мониторинг шуни кўрсатдики, 40 та шифохонада ўринларнинг жами сони 8075 тани, шундан бюджет ўринлари сони 7072 тани ташкил қилиб, 2023 йилда шифохоналарда жами 349249 нафар бемор даволанган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0.6

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТА ТИЗИМИ

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ



телевидение, радио ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ва тиббиёт ходимларга етказиб борилди;

б) Тасдиқланган режа-графи асосида Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси Тошкент шаҳар бўлини масида “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий қилиш” бўйича Тошкент шаҳрининг барча даволаш-профилактика муассасалари учун ўқув-семинарлар ўтказилди. Мазкур семинарларда жами 2100 нафардан ортиқ раҳбар ва тиббиёт ходимлари (жумладан администрация ходимлари 275 нафар, шифокорлар 812 нафар, ҳамширалар 937 нафар ва кичик тиббий ходимлари 94 нафар) иштирок этди.

в) Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси Тошкент шаҳар бўлини маси ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан “TOSHKENT”, “Sevimli”, “ZO’R”, “Mahalla”, “O’zbekiston

–24 HD” телеканаллари ҳамда радиоэшиттиришларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда давлат тиббий сугуртаси механизмлари тўғрисида тарғибот ва ташвиқот тадбирларида фаол иштирок этишди.

Тўртинчидан соҳани молиялаштиришда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Молиялаштириш узлуксизлигини таъминлаш учун 61 та юридик шахс (12 та туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда 49 та шифохона ва бошқа муассасалари билан шартномалар имзоланиб, улар учун очилган 4013 шахсий ғазна ҳисоб рақамларга

бир сатрда маблағлар 90 фоиз олдиндан тўлов ва 10 фоиз бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилганидан сўнг ўтказиб берилмоқда. Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларининг 2024 молия йил учун бюджет параметрлари доирасида 2 371 312,3 миллион сўмлик бюджет сўрономаси ишлаб чиқилди.

Шу ўринда таъкидлашим жоизки, юқорида амалга оширилган ишлар қаторида мавжуд камчиликлар ҳам йўқ эмас. Албатта, фаолиятда ўз ечимини қутаётган муаммоларини бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва бу борадаги ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, давлат тиббий сугуртаси бўйича фаолиятларнинг изчиллик билан тадбиқ этилаётганлиги бу албатта, инсон саломатлиги учун ишончли кафолатдир.

Суҳбатни журналист
Ибодат СОАТОВА ёзиб олди.

фоизга ошган (2022 йилда жами 346 996 нафар бемор даволанган). Жами даволанганларнинг 345 854 нафари бюджет ҳисобидан даволанган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизга камайган. Ўтган йил давомида шифохоналарга оила шифокори йўлланмаси орқали ётқизиладиганлар сони 2022 йилга нисбатан 2,4 фоизга, шаҳар клиник шифохоналарида ўтказилган юқори технологик жарроҳлик амалиётларининг

сони 54,0 фоизга ошган.

Учинчидан давлат тиббий сугуртаси механизмлари жорий этилишини тўлиқ ва тўғри ташкиллаштиришни йўлга қўйиш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди:

а) Тасдиқланган Медиарежага мувофиқ, Тошкент шаҳрининг 12 та туманида маҳаллий ҳокимият, маҳалла вакиллари ва тиббиёт ходимлари учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Тадбирлар маҳаллий

КОНКУРС

МОДЕЛИ ИЗ УЗБЕКИСТАНА С НОВА ПРИЕХАЛИ С ПОБЕДОЙ!

В Грузии, городе Тбилиси с 16 по 21 января прошёл ежегодный Международный конкурс красоты и таланта – WorldRising Stars-2024. В этом году на мероприятие съехались победители разных конкурсов красоты, а также модельных конкурсов из многих стран мира.



курсе "Miss Star-2023", где была удостоена номинации "Bestminimissmodeloftheyear". Ее ангельское личико покорило фотографов и завоевало многих поклонников. В этом году, в Тбилиси она завоевала почетный титул победителя "Winnernomination".

Следующая ученица модельного агентства Haidalli Models school – Рахманова Самина. В модельную сферу она попала тоже по кастингу в октябре 2023 года. Самина была в первой лучшей десятке, прошла кастинг на обучение в модельной школе "Haidalli Models" и прошла обучение в течении 4 месяцев, а затем стала участвовать на показах, рекламных одежде. В свои 4 года она тоже активно участвовала во многих фешн показах, в журналах, проектах модельного агентства. В Тбилиси на конкурсе она завоевала титул победителя в номинации "Eurasianomination".

В Тбилиси в рамках международного конкурса красоты и таланта, приняли участие в неделе моды также дизайнеры одежды международного уровня – Маннапова Нилуфар, основательница бренда "NilufarHanum" и Бекчанова Фатима – основательница бренда "Nadi&Fati".

Нилуфар на протяжении 20 лет создает модную индустрию будущего и обучает учеников основам дизайнерского мастерства. На сегодняшний день обучила более 10 тысяч дизайнеров. В 2019 году получила диплом в номинации лучший предприниматель. Участвовала во многих Республиканских фестивалях.

Бекчанова Фатима – основательница бренда "Nadi&Fati" на конкурсе в Тбилиси удостоилась номинации "Лучший дизайнер года" – "Bestdesigneroftheyearnomination". Бренд занимается обучением современной и национальной



одежды не только в регионе, но и за пределами Узбекистана. Так же она является членом Ассоциации ремесленников Узбекистана, постоянным участником Международных выставок и мероприятий. В данное время выпустила более 100 учеников, которые успешно работают в этой отрасли.

Павлова Екатерина – ещё одна победительница конкурса красоты и таланта "Worldrisingstar 2024" награждена титулом "Queenoftheyear" – "Королева года". Екатерина – профессиональный музыкант-пианистка, модель, актриса, солистка ансамбля, концертмейстер, педагог. Участвовала в республиканских конкурсах музыкантов им. М. Ашрафи, и получала первые

места. Екатерина Павлова является ученицей модельного агентства Haidalli Models, номинантка 3-х призовых премий – Winner of 3 nomination, "Grand Prix nomination 2022" Uzbekistan, "Bestmodel of the year 2023" Uzbekistan, "Queen of theyear 2024" Georgia.

Следует отметить, что конкурс прошёл на высоком уровне. Выражаем огромную благодарность прекрасному организатору конкурса Екатерине Мгалоблишвили, которая дала уверенность, грамотность, позитив, драйв, знания и подарили замечательный праздник каждой конкурснице.

Намоз ТОЛИПОВ.

Среди участниц 45 стран мира, нашим моделям Модельного агентства "Haidalli Models" под руководством основателя и директора Умиды Корбаевой, посчастливилось стать обладательницами титулов "Queen of theyear", "Miss Eurasia". Одна из участниц конкурса – Рахманова Шодия является ученицей модельного агентства "Haidalli Models" School. В модельную сферу Шодия попала по кастингу в октябре 2023 года. Отборочный тур был очень на-

пряженным, так как со всего Ташкента собрались самые красивые, талантливые дети. Шодия была в первой лучшей десятке, и прошла кастинг на обучение в модельной школе "Haidalli Models". Пройдя обучение, девочка стала участвовать на показах, рекламных одежде, и в свои 4 года участвовала во многих фешн показах – "The Fashion Show", "Fashion Week", в журналах, в различных проектах Агентства.

Шодия участница титульных коронаций в кон-

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ

ЁШЛАРНИ КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИНИНГ АСОСИДИР

Жамиятда кечаётган ижтимоий - иқтисодий ислохотлар, шаклланаётган маданий бозор муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши, фан ва техниканинг тараққиёти қизгин кечаётган даврда жамият ва шахс эҳтиёжларининг узвий мутаносиблигига эришиш ёки уни таъминлаш осон иш эмаслигини тасдиқламоқда. Ёшлар доим ўз иқтидорини, салоҳиятини, ақлий ва интеллектуал потенциалига мос ва жамият учун манфаат келтирувчи касбларни танлай олмайдилар. Бу муаммони ечиш чун ёшларда касб танлашнинг ижобий мотивларини шакллантиришда жамият ва жамоатчилик таъсирини кучайтириш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳаётини долзарб муаммони ҳал этишда онла ва мактаб, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари яхлит тизим сифатида ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур. Жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотлар узлуқсиз таълим тизимининг босқичларидан бири ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир. Касбга йўналтириш - шахснинг бўлгуси касбий фаолият субъекти сифатида ўзига нисбатан шаклланиш жараёнини ўтайди, яъни келажакда бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришга замин яратади. Касбга йўналтиришга ёшларнинг касбни эркин ва мустақил ишлашнинг илмий-амалий тизими сифатида қараш лозим. У ҳар бир шахснинг ҳам индивидуал хусусиятларини ва бозор иқтисодиёти

эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг меҳнат таълим дарсларида олган билимлари, амалий кўникма ва малакалари, уларда умумий меҳнат тайёргарликларини, бозор иқтисодиётининг аниқ бир соҳасида қўллаш имкониятларини очиб бериш лозим. Шу билан биргаликда умумтаълим фан ўқитувчилари ҳам ўрганилаётган мавзунинг дастурлари асосида, яъни мантиқий кетма-кетликда, фан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни меҳнат жараёнлари, меҳнат турлари ва технологиялари билан таништириб бориш, республикаимизнинг иқтисодий имкониятларини очиб беришга қаратмоғи лозим. Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилаётган касбга йўналтириш ишлари ўқувчиларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларига катта ёрдам беради. Бу жараёнда минтақавий касбларни

тарғиб қилиш билан биргаликда, ўқувчиларга касблар тўғрисида умумий маълумот бериш, консультациялар ўтказишга ёрдам беради. Оилада болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мактабгача бўлган ёшдан бошланади. Бўлгуси касбни танлашга тайёрлашда болаларнинг қизиқишлари, қобилиятлари ва имкониятларини мунтазам равишда ўрганиш зарур. Касб танлашда хато қилмаслик учун болаларга аввало мактаб ва оила ёрдам бериши керак. Мактаб ўқувчилари ва техникум талабаларини касбга йўналтиришга оид ишларни таълим йўллари орқали узвийлик ва изчиллик билан олиб бориш зарур.

Таъкидлаб ўтганимиздек, тўғри касб танлаш инсоннинг келажакдаги ҳаёт тарзини белгилашда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ёш авлод ўз касбини қизиқиши, қобилияти, ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиқиб танлайди. Касб-хунарга йўналтириш ишининг мақсад ва вазифаси шу ҳудуд эҳтиёжи учун зарур касблар, касб-хунар коллежларининг мавжуд соҳа йўналишларига ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тавсия беришдан иборат. Касблар тўғрисида ахборот беришда ўқувчиларни турли хил технологик турлари, касблар шажараси, касбларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тартибсиз маълумот бермаслик учун ўқувчилар оладиган билимларни маълум бир тизимга солиш лозим. Касблар ҳақида ахборот бериш ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши зарур.

Тошкент тиббиёт академи-

ясининг нормал ва патологик физиология кафедраси, клиник моделлаштириш, коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедралари ходимлари, ўқув услубий бошқарма ходимлари иштирокида Зангиота Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми талабалари билан касбий йўналтиришга қаратилган тадбир ўтказилди. Тадбир ТТА бош ўқув биносининг клиник моделлаштириш кафедраси худудида бошланди. Тадбирни нормал ва патологик физиология кафедраси мудири, профессор Б. Ирискулов очиб, техникум талабаларига шахснинг келгусидаги фаолиятида, ҳаётда ўрнини топишида танлаган касбининг аҳамияти ҳақида гапирди. Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудири, профессор Г. Тулқунова ҳам бу ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. Сўнгра, доцент З. Бобоева ҳам талабаларни шифокорлик касбини эгаллаш учун қандай назарий билимлар, амалий кўникмаларни эгаллаш ҳақида ўз фикрини билдирди. Талабалар ТМАдаги ўқиш жараёнининг қисман қандай кечишини клиник моделлаштириш кафедрасидаги симуляцион марказ би-

лан танишишдан бошладилар. Кафедра ходимлари техникум талабаларига шифокорларнинг энг зарурий билишлари керак бўлган амалий кўникмаларини муаммоларга ечим топишга йўналтирувчи маълумотлар берилди. Тадбирнинг кейинги босқичида талабалар бош ўқув бинода жойлашган нормал ва патологик физиология кафедраси фаолияти билан танишдилар. Кафедра профессори С.Азимова шифокорлик касби ҳақида, унинг долзарблиги, олийгоҳда ўқиш тартиби, бакалаврият ва магистратура йўналишлари ҳақида талабаларга маълумот берди. Кафедра катта ўқитувчиси Р. Таджибаева ҳозирги вақтда аёллар оид долзарб муаммо бўлган "Анемия" касаллиги тўғрисида маъруза қилди. Тиббий профилактика йўналиши фаолияти бўйича коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси доценти Шахноза Курбанова "Ишлаб чиқаришда санитария эпидемиологик назорати ва жамоат саломатлиги хизмати" мавзусида маъруза ўқиб талабаларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Шунингдек, талабалар санитария гигиена хизмати қандай йўлга қўйилганлиги, инсон саломатлигини сақлаш учун қандай гигиеник нормаларга риоя қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот олдилар.

З. БОБОЕВА,

Тошкент тиббиёт академияси Нормал ва патологик физиология кафедраси доценти.

Р. ТАДЖИБАЕВА,

Тошкент тиббиёт академияси Нормал ва патологик физиология кафедраси катта ўқитувчиси.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

ИММУНИТЕТНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?

XXI асрга келиб турли технологиялар натижасида ҳатто давоси йўқ деб келинган кўплаб касалликлар учун инновацион ечимлар топилди. Шунга қарамай бугунги кунда экологик муаммолар, иқлим ўзгариши, шунингдек, одамларнинг камҳаракат турмуш тарзи натижасида касалликлар сони ва салмоғи кундан кунга ортиб бормоқда.

Бундай шароитда ҳар биримиз учун энг мақбул ечим касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш чораларини кўришдир. Соғлом турмуш тарзи иммунитетнинг юқори бўлишига, бу эса икки турдаги диабет, семизлик ва турли хил юрак-қон томир касалликларининг олдини олишга ёрдам беради. Иммуни тизими инсон организмни шамоллаш ва вирусли инфекциялардан тортиб,

саратон каби хавфли касалликлардан-да ҳимоя қилади. Иммунитет тизими мураккаб бўлиб, унга турли омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, турли вакциналар иммунитетни оширишга ёрдам беради. Бунга қўшимча тарзда, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, вазни бир меъёрга сақлаш, етарлича уйқу ва дам олиш, тамаки ва алкогольдан узоқ бўлиш иммунитетнинг мустақамланишига

ҳисса қўшади. Тўғри овқатланиш дейилганда доим ҳам калорияли овқатланиш тушунилади. Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам кўпчилик таомлар калорияси баланд бўлиб, аксар "шоҳона" таомлар кечки овқатда ейилади ва бу саломатлик учун зарарлидир. Тўғри овқатланиш кўп мева ва сабзавотлар, ёғсиз, дук-каклилар, ёғсиз ёғи ёғи кам сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишни англатади. Тўғри овқатланиш иммунитетнинг оптимал функциясини оширадиган кўплаб фойдали моддалар билан таъминлайди. Аммо баъзи витаминлар ва минералларнинг ҳаддан ташқари кўплиги зарарли бўлиши мумкин. Агар сизга озуқавий қўшимчалар керак деб ўйланганда, шифокорингиздан маслаҳат олинг.

Шунингдек, мунтазам жисмоний фаоллик, ўзингизни яхши ҳис қилишингиз, яхши ухлашингиз, хавотир ва стресс ҳиссининг камийишига ёрдам беради. Аммо исталган турдаги жисмоний фаолият билан шуғулланиш ҳам тўғри келмайди. Жисмоний машқлар инсоннинг ёши, вазни, бўйига қараб белгиланади. Ортикча вазн тананинг ишлашига таъсир қилади. Тана массаси индексига кўра 30 ва ундан кўп бўлган семизлик иммунитетнинг заифлашишига сабаб бўлади. Семириб кетиш

кўплаб касалликларни юзага келтиради. Бундан ташқари, етарлича ухламаслик иммунитет тизимининг турли қисмларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу эса турли хил касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Тирноқ ва сочларда мўртлик, сурункали чарчоқ ва иш унумининг пасайишига сабаб бўлади. Зарарли одатлардан чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш иммунитет тизимини заифлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, иммунитет - бу танангизни бегона организмларга қарши ҳимоя қилиш функциясидир.

Ирода ИКРАМОВА,

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси.

КОНФЕРЕНЦИЯ

ОБЪЕДИНЕНИЕ ВОКРУГ ПРОБЛЕМ

(Продолжение.
Начало в номере 1-(1487))

Таким образом, если у нас нет полноценных клинических исследований с размещением их результатов в общемировой доказательной базе, наши клинические рекомендации слабодоказательны и для нас, и в мировом масштабе, а отечественные оригинальные лекарственные препараты будут иметь большие трудности при выходе на зарубежный рынок. Наконец, без доклинических и клинических исследований мы не будем знать особенности своих популяций, что вообще полезно и важно для продвижения как импортных, так и отечественных препаратов.

— Когда же страны СНГ начнут работать в правильном алгоритме?

— Решено приступить к созданию научно-методических центров по фармацевтическим разработкам в государствах — участниках СНГ. Одно из направлений их деятельности — разработка правил проведения доклинических и клинических исследований. Заниматься этим поручено международной экспертной академической рабочей группе, состоящей из представителей национальных академий наук совместно с представителями фармотрасли всех стран Содружества.

— Выходит, драйвером решения этой задачи выступает фармацевтическая промышленность?

— В том-то и дело, что она не особо заинтересована. Почему? Потому что есть проблема с разработкой оригинальных препаратов. И это ещё одна причина, по которой тема доклинических и клинических исследований находится в центре внимания Межпарламентской ассамблеи вообще и нашей страны тоже, как её участницы. Как только все правила будут прописаны, фарминдустрия будет заинтересована в разработке и выпуске оригинальных лекарств, а не тиражировании чужих.

— Сессия началась с того, что эксперты из разных стран обозначили, какие есть проблемы в профилактике, диагностике и лечении вирусных гепатитов В и С, ВИЧ, редких, онкологических заболеваний, сахарного диабета, а также гипертонии. Как эта информация связана с разработкой закона о лекарственном обеспечении и с необходимостью создания доказательных баз в странах СНГ?

— Любому закону должен иметь обоснование. На примере этих нозологических групп необходимо понять, какие факторы ограничивают внедрение новых медицинских технологий и их

эффективность, что препятствует обеспечению пациентов лекарственными средствами в соответствии с протоколами лечения, признанными в мировой доказательной медицине. Для поиска верных решений необходимо было узнать точку зрения медицинского сообщества: какие есть проблемы в профилактике данных заболеваний, их диагностике, лечении и реабилитации пациентов. То же самое важно было услышать от представителей пациентских организаций, организаторов здравоохранения и представителей фармацевтической индустрии. Ещё раз подчеркнем: проблемы в сфере лекарственного обеспечения общие для всех без исключения стран СНГ и не только их. В частности, на встрече в Бишкеке выяснили, как в странах Содружества происходит вывод новых препаратов на рынок. Представители Республики Казахстан поделились своим опытом: на то, чтобы вывести на рынок новый препарат, уходит от 5 до 8 лет. В некоторых странах процесс длится ещё дольше. Единая для всех государств СНГ задача — сократить срок вывода препарата на рынок и тем самым дать врачу инструмент для оказания медицинской помощи на высоком уровне, а пациенту — возможность эту помощь получать. Более предметно начали обсуждать тему финансирования научных исследований в сфере фармакологии и лекарственного обеспечения населения. Было интересно услышать, как происходит ценообразование и возмещение расходов на лекарственные средства и медицинские изделия в странах Евросоюза, от представителя Европейского регионального бюро ВОЗ Станислава Князькова. Вообще финансовые вопросы в сфере здравоохранения, а также лекарственное обеспечение пациентов с редкими заболеваниями орфанными препаратами станут предметом особого внимания на третьей сессии МПА СНГ по модельному закону о лекарственном обеспечении, которая пройдёт в Астане весной 2024 г.

— На какой стадии сейчас проект закона?

— Во время встречи в Бишкеке эксперты обрисовали его концепцию и структуру. К маю проект закона уже будет готов. Дальше — первое чтение и рассылка его в парламенты стран Содружества для доработки.

— Тематикой закона о лекарственном обеспечении повестка встречи в Бишкеке не заканчивалась. Что ещё из наиболее удалось обсудить?

— Помимо проекта модельного закона о лекарствах был ещё один очень важный правовой вопрос — перспективы развития в странах Содружества медицин-

ского законодательства в целом на примере Кодекса Республики Казахстан «О здоровье народа и системе здравоохранения». Со времени своего выхода в 2009 г. он постоянно дополнялся и в 2020 г. вышел в новой редакции. Многие его аспекты более прогрессивны, чем законы о медицине в других странах. В то же время — и это объясняет, почему мы взяли данную тему для внимательного рассмотрения, — уже видны некоторые сложные ситуации, связанные с применением кодекса, которые требуют дальнейшего обсуждения и принятия решений. Учитывая данное обстоятельство, рекомендовано всем странам СНГ брать в качестве примера для своих законодательств о здравоохранении прогрессивные стороны Кодекса Республики Казахстан и учитывать проблемные, чтобы избежать в дальнейшем трудностей в правоприменительной практике. Далее, президент Ассоциации директоров центров и институтов онкологии и рентгенодиагностики стран СНГ и Евразии, главный онколог Минздрава России, академик РАН Андрей Каприн и его содокладчики подняли очень серьёзную тему — оценка и управление качеством в онкологии. Они показали своё видение того, как повысить эффективность оценки и управления качеством в онкослужбе на всех этапах: от внутриведомственного и вневедомственного контроля до системы сертификации врачей и лицензирования медицинских организаций.

Следующая тема, которая оказалась в центре внимания в Бишкеке — регистры пациентов. Надо повышать качество тех регистров, которые уже есть, и создавать их по тем нозологиям, где регистров пациентов пока нет. Причём они должны быть унифицированными, что позволит максимально эффективно планировать расходы государства на оказание медпомощи по всем нозологическим формам.

Кстати, под унификацией имеется в виду ещё и то, что электронные базы данных по заболеваемости должны быть идентичны в странах Содружества.

— Зачем? Мы же не собираемся объединять регистры всех стран и лечить в своей стране граждан другой страны за исключением оказания экстренной помощи?

— Хотим или не хотим, а лечить иностранных пациентов мы будем, учитывая миграционные процессы. И не только по экстренным показаниям, но и в плановом порядке. В недрах МПА СНГ уже несколько лет разрабатывается модельный закон по медицинскому туризму. В России много сильных медицинских школ, на лечение сюда ездили раньше и впредь будут ездить

пациенты из разных стран, и не только входящих в Содружество. Когда мы говорим об унификации регистров, ставится задача оказывать медицинскую помощь по тем клиническим рекомендациям, каждое положение которых имеет высокую степень доказательности и коррелирует с мировыми доказательными базами. Таким образом, мы вновь вернулись к тому, с чего начали, это краеугольный камень. Стандарты оказания помощи в онкологии, эндокринологии, кардиологии и т.д. должны быть максимально высокими и одинаковыми в РФ, Казахстане, Узбекистане и т.д. Кроме регистров, всем странам нужна достоверная медицинская статистика по заболеваемости. Мы сегодня не совсем точно знаем, что у нас с врождёнными патологиями, что с приобретёнными, что с инвалидизацией, не совсем точно представляем расклад по причинам смертности. Это тоже, как оказалось, единая для всех стран Содружества проблема. Между тем правильное кодирование причин смерти, как бы цинично это ни прозвучало, является научной основой планирования в социальной сфере. Чем точнее статистика, тем точнее планируется расходование средств на оказание медицинской помощи, подготовка кадров, строительство лечебных учреждений, производство и закупка медтехники, объёмы лекарственного обеспечения и т.д.

В качестве примера: за 8-10 лет до пандемии коронавирусной инфекции в нашей стране было более 4 тыс. пульмонологов, а к началу пандемии оказалось, что их осталось меньше половины. Причина сокращения кадрового потенциала пульмонологии не только в непростых условиях труда и профессиональном выгорании. Вероятнее всего, таков результат «реформ» и «оптимизации» здравоохранения, отсутствие запроса на подготовку специалистов. Интересно, а пульмонологическая заболеваемость уменьшилась прямо пропорционально сокращению числа врачей этого профиля? Уверен, что нет. Значит, неизбежны какие-то погрешности в формировании статистических отчётов. Последствием же всего этого стала, в частности, необходимость во время пандемии COVID-19 в срочном порядке привлекать врачей других специальностей.

— Давайте подытожим. С каким багажом Межпарламентская ассамблея будет двигаться от Бишкека к Астане?

— Главное — есть убеждённость в готовности стран СНГ работать вместе во всех указанных направлениях развития здравоохранения.

Мы провели вторую из четырёх экспертных сессий по модельному закону о лекар-

ственном обеспечении, во время которой эксперты стран Содружества подняли целый комплекс проблем. И это было принципиально важно, так как в проект модельного закона к первому чтению должны войти нормы, которые учитывают интересы всех сторон, — пациента, врача, системы здравоохранения, страховой системы, индустрии лекарств и медтехники.

Вызывая все стороны на диалог, мы тем самым уменьшаем риски того, что диктовать системе здравоохранения, в каком направлении ей развиваться, будут корпорации. В правильном варианте финальным заказчиком научных разработок и производства новых лекарств и медицинского оборудования должна стать медицинская отрасль, а не производители препаратов, оборудования и расходных материалов. В свою очередь каждая страна должна понимать, что для вывода препарата на рынок и включения его в КР, разработчик и производитель должны провести доклинические и клинические исследования на по-настоящему доказательном уровне. Обеспечить им условия для этого — задача государства. Закон о лекарственном обеспечении включает данный сегмент как основополагающий. Если у государства действительно есть намерение обеспечить свою фармацевтическую независимость, то без нормативно-правовой регуляторики, без разработки механизма организации и контроля качества проведения доклинических и клинических исследований сделать это невозможно. Могу проиллюстрировать, как работает подобный механизм в США на примере Бостонского биотехнологического и lifescience кластера. Учёные приходят в госпитали и университетские клиники штата Массачусетс, где в беседе с ведущими специалистами по разным направлениям медицины выясняют, что им необходимо. Собрав пожелания клиницистов, биотехнологи оценивают реалистичность их исполнения и попутно вносят свои предложения о разработке препаратов с определёнными терапевтическими мишенями и механизмами действия. Такие совещания проходят регулярно дважды в месяц.

Только в подобной парадигме можно и нужно работать, чтобы достичь целей развития собственной мощной фармацевтической отрасли, обеспечения фармацевтической безопасности страны, лекарственной безопасности системы здравоохранения и доступности лекарственной помощи для пациентов.

Елена БУШ.

(Медицинская газета)

ТАДБИР

БУХОРОЛИК ШИФОКОРЛАР ПОЙТАХТДА ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Юртимизда кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, вилоят аҳолисига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни ҳудудлар бўйича чуқур ўрганиб таҳлил қилиш ва ҳудудларнинг ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий ва илгор усулларини амалиётга тадбиқ этиш, шифохоналарни замонавий тиббий асбоб - ускуналар билан таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида кадрлар касбий билим ва кўникмаларини ошириш, маҳоратини бойитиш борасида Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш тизимида муайян натижаларга эришилмоқда.



бирламчи тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган интеграция жараёнлари юзасидан фикр алмашилди,

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасаруфидаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари



рахбар ходимлари иштирокида Тошкент шаҳрининг Учтепа ва Олмазор туманларида ўқув семинар ва амалий учрашувлар ташкил этилди. Пойтахтимизда тиббиётнинг бирламчи бўғинини мутлақо янги ёндашувлар асосида трансформация қилинаётганлиги ва бунда Давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилаётганлиги кун тартибининг асосий мавзусига айланди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан Бухоролик бир гуруҳ тиббиёт ходимлар, шаҳар ва туман кўп тармоқли

марказий поликлиника бош врачлари, туман тиббиёт бирлашмалари бош ҳамширалари, Бухоро шаҳар оилавий поликлиника бош врач ва бош ҳамширалари пойтахтнинг Учтепа туман кўп тармоқли марказий поликлиника ва Олмазор туманидаги 63-оилавий поликлиникада бўлиб, тиббий бригада фаолияти, молиялаштириш ва реимбурсация жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Учтепа туман кўп тармоқли марказий поликлиника мажлислар залида семинар иштирокчилари Соғлиқни сақлаш

вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган, бирламчи тиббий санитария ёрдамини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 27 июлдаги "Аҳоли орасида профилактик кўриклари, скрининг дастурлари ва патронажни амалга оширишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 210-сонли буйруғининг ижроси таъминлаш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш бўйича профилактик кўрик ва скрининг дастурларини самарали ўтказиш мақсадида Учтепа ва Олмазор тиббиёт муассасаларида амалга оширилган ишлар билан батафсил таништирилди. Унда



ислохотлар кенг муҳокама қилинди. Хусусан, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг асосий вазифалари ва унга ўтиш жараёнларига тайёргарлик, шифохонада даволаниб чиққан беморлар ва бирламчи тиббиёт муассасалари ўрта-

Реимбурсация дастури ҳақида тушунтиришлар берилди. Дори-дармон воситаларининг олиниши, сақланиши ва беморларга етказилиши тўғрисида бир қанча амалга оширилган ишлар тўғрисида кўргазмали тадбирлар олиб борилди.

Тадбир сўнггида ушбу туманлар ва Бухоро вилоятида амалга оширилган ишлар ҳақида ўзаро фикрлар алмашилди. Бундай тажриба алмашишлар юртимиз аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда, ислохотларни изчиллик билан амалиётга тадбиқ этишда катта аҳамиятга эгадир.

Маъмураҳон САФОЕВА,
Бухоро вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси Жамоатчилик билан ишлаш бўйича шўба раҳбари.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилмиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 659 дона.
Буюртма рақами Г-138.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.